

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР
КОМИТЕТЛАРИ, МЕХНАТКАШЛАР-ДЕПУТАТЛАРИ
ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 38 (785)

22

ФЕВРАЛЬ
ЖУМА
1957 ЙИЛ

БАҲОСИ
20 ТИНИН

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ВА БОЛГАРИЯ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ
ДЕЛЕГАЦИЯЛАРИНИНГ УЧРАШУВИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

1957 йил 20 февралда Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва Болгария Коммунистик партияси делегацияларининг учрашуви бўлди.
Учрашувда Совет Иттифоқи Коммунистик партиясидан КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси ва КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари ўртоқ Н. С. Хрушчев, КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзолари Н. А. Булганин, А. И. Микоян, М. А. Суслов ўртоқлар, Президиум аъзоларига кандидат, КПСС Марказий Комитетининг секретари ўртоқ Д. Т. Шенников, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси ўртоқ Б. Н. Пономарев иштирок қилдилар.
Учрашувда Болгария Коммунистик партиясидан БКП Марказий Комитети Сийёсий бюросининг аъзоси ва БКП Марказий

Комитетининг Биринчи секретари ўртоқ Т. Живков, БКП Марказий Комитети Сийёсий бюросининг аъзолари Р. Дамьянов, Е. Стайков, Г. Чанков, В. Червенков, А. Югов ўртоқлар қатнашдилар.
Учрашув қатнашчилари ўртоқларча, самимий вазиёда ўзларини қизиқтиратган ҳалқаро ишлар ҳақида масалаларни, шунингдек Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва Болгария Коммунистик партияси ўртасида қардошларча муносабатларни ва мустақам ҳамкорликни янада ривожлантириш масалаларини муҳокама қилдилар.
Бу масалалар муҳокама қилинган пайтда ҳар иккала коммунистик партия вакиллариининг қарашлари тамомилан бир хил эканлиги аниқланди ва қўшма Баёнот қабул қилинди.

Совет Иттифоқи ва Болгария Халқ Республикаси Ҳукумат Делегациялари ўртасида олиб борилган музокаралар тўғрисида Д Е К Л А Р А Ц И Я

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Ҳукумати-нинг тақлифига мувофиқ, Болгария Халқ Республикаси Ҳукумат Делегацияси 1957 йил 15 февралдан 21 февралгача Москвада бўлди.

Совет-Болгария музокараларида СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Булганин, СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси ва КПСС Марказий Комитетининг Биринчи Секретари Н. С. Хрушчев, Министрлар Совети Раисининг Биринчи ўринбосарлари А. И. Микоян ва М. З. Сабуров, Ташқи ишлар министри А. А. Громико, СССРнинг Болгария Халқ Республикасидаги Фахрқудда ва Мухтор Элчиси Ю. К. Приходовлардан иборат составдаги Совет Иттифоқи Ҳукумат Делегацияси қатнашди.

Музокараларда Болгария Тошондан Министрлар Советининг Раиси А. Югов, Халқ Мажлиси Президиумининг аъзоси ва Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Биринчи Секретари Т. Живков, Министрлар Совети Раисининг Биринчи ўринбосарлари Г. Чанков ва Г. Трайков, Министрлар Совети Раисининг ўринбосари ва Савдо министри Р. Дамьянов, Министрлар Совети Раисининг ўринбосари ва Маориф ҳамда маданият министри В. Червенков, Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитетининг секретари Е. Стайков, Ташқи ишлар министри К. Луканов, Болгария Халқ Республикасининг СССРдаги Фахрқудда ва Мухтор Элчиси Л. Герасимовлардан иборат составдаги Болгария Халқ Республикаси Ҳукумат Делегацияси қатнашди.

Буллардан ташқари музокараларда Совет Тошондан Госплан Раиси Н. К. Байбаков, Милия министри А. Г. Зверев, Ташқи савдо министри И. Г. Кабанов, Госэкономкомиссия Раисининг ўринбосари, Қишлоқ хўжалик министри В. В. Макеевич, Иқтисодий алоқа ишлари Бош Бошқармасининг Бошлиги К. И. Ковалев, Ташқи ишлар министрининг Биринчи ўринбосари Н. С. Патоличев, Иқтисодий ўзаро Ердам Кенгашидаги СССР вакилларининг ўринбосари П. В. Никитин, Ташқи ишлар министрининг Коллегиясининг аъзолари И. К. Замчевский ва Л. Ф. Ильичев; Болгария Тошондан Госплан Раисининг ўринбосари О. Тихомиров ва С. Сюлемезов, Савдо Министрининг ўринбосари Е. Разлогов қатнашдилар.

Қардошларча самимият ва тўла ҳамжиҳатлик руҳида ўтган музокаралар вақтида ҳар иккала мамлакат ўртасида ҳар томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш ва мустақамлаш масалалари, шунингдек ҳозирги ҳалқаро аҳволга доир аниқ муҳим проблемалар муҳокама қилинди.

I.

Ҳар иккала Делегация эфр мамуният билан шунин қайд қилдики, совет ва болгар халқларининг болгар халқини эъланларнинг кўп асрлик замиридан овоз қилиш учун бирликлда олиб борилган курашда, фашизмга қарши, социализм ва коммунизм куриш учун бирликлда олиб борилган курашда вужудга келган ва мустақамлашган тарихий қардошларча ва бузилмас дўстлиги-Совет Иттифоқи билан Болгария Халқ Республикаси ўртасидаги муносабатларнинг мустақам негизидир. Бу дўстлик Болгария Халқ Республикасининг эркин ва мустақил яшашини таъминлади. Болгария Халқ Республикаси ўз экономикаси ва маданиятини тараққий эттиришда анча катта муваффақиятларга эришди, ўзинидаги иқтисодий қолоқлигини тугатиб, индустриал-аграр мамлакатга айланди. Бу эса социалистик қурилишда янги ғалабалар сари эфр ишонч ва қатъият билан олға бораётган болгар халқининг фаровонлигини янада ошириш учун керакли шарт-шароитни таъминлайди. Шу билан бирга Болгария қишлоқ хўжалигини социалистик негизда қайта қуриш соҳасида эришилган катта муваффақиятларни таъкидлаб ўтиш аниқка муҳимдир.

Ҳар иккала Тошон ўзаро ҳар томонлама қардошларча ёрдами, шунингдек тинчлик, демократия ва социализм манфаатларини қўлаб, социалистик лагернинг бирлиги ва кучларини янада мустақамлаш мақсадида бошқа социалистик мамлакатлар билан ҳамкорликни бундан бун ҳам бутун чоралар билан ривожлантиришга ҳамжиҳат бўлиб интилаётганликларини изҳор қилди. Совет-Болгария муносабатлари пролетар интернационализмининг ленинча принциплари асосламоқда ва бундан бун ҳам асосланади.

Болгария Ҳукумати шунин айтдики, Совет Иттифоқи билан қардошларча дўстлик болгар халқининг миллий мустақилигини таъминлади ва ўз хоҳиши билан танлаб олган социализм қуриш йўлида жуда катта муваффақиятларга эришишда болгар халқига ҳал қилувчи ёрдам кўрсатди. Бу дўстлик болгар халқи

учун ўз Ватанини янада яшатиш гарантиясидир. Болгар халқининг улуг фарзанди Георгий Димитров, ҳар бир тирлик жон учун куёш ва ҳаво нечоғлик зарур бўлса, Болгариянинг Совет Иттифоқи билан дўстлиги ҳам шу қадар зарурдир, деган эди. Ҳар иккала қардош халқ ўртасида бўлган ва социализм ҳамда коммунизм қурилишида, халқаро тинчликни сақлаш учун курашда уларнинг манфаатлари бирлигига асосланган ана шу абадий дўстликка путур еткази оладиган кучлар йўқ. Болгар халқининг Совет Иттифоқида муҳаббат чексиздир. Болгария Ҳукумати, Совет Иттифоқида нисбатан самимий муносабатда бўлиш ҳусусан ҳозирги пайтда социализм ва коммунизм ишига садоқатни кўрсатади, деган фикрга қатъий амал қилади.

II.

Музокаралар вақтида ҳозирги халқаро аҳвол масалалари батафсил муҳокама қилинди. СССР ва Болгария Халқ Республикаси Ҳукуматлари яқинлик билан шунин қайд қилдиларки, бутун дунда тинчликни мустақамлаш учун, давлатларнинг, улардаги социал тузумнинг қандай бўлишидан қатъи назар, тинч-тотув яшаш учун, барча мамлакатлар ўртасида дўстлик муносабатлари ва ишонч ўрнатилш учун кураш—Совет Иттифоқи ва Болгария Халқ Республикаси ташқи сийёсатининг мустақам негизидир.

Делегациялар шунин қайд қилдиларки, империалист доирларнинг «совуқ муносабатлар уруш»ни кучайтиришга қаршилик сийёсати кейинги вақтларда халқаро вазиёдаги кескинликни маълум даражада кучайтирди. Англия-Франция-Исроилнинг Мисрга қарши қилган агрессияси Яқин ва Урта Шарқда мустақамлашларнинг позицияларини тиклашга ўз олдида мақсад қилиб қўйган эди. Бу агрессия умумий тинчлик ва халқлар хавфсизлиги ишга очилган-очиқ таҳдид тугдири. Бу агрессия бозини давлатларнинг агрессив доиралари ўз фойдаларини ҳимоя қилишнинг қўлаб, халқларнинг миллий-озодлик ҳаракатини қурол кучи билан бостириш йўлидаги урушлардан ҳам қайтмаётганликларини ва жаҳонни янги уруш гирдобига ташлашга тайёр эканликларини яна бир марта кўрсатди.

Ҳар иккала Ҳукумат мамуният билан шунин қайд қилдики, Миср халқининг мардона қаршилиги, тинчликсевар халқларнинг қатъий йўл тутганини, Совет Иттифоқи, Хитой Халқ Республикаси ва бошқа социалистик мамлакатларнинг агрессия йўқотини учун самарали ҳаракат қилишга тайёр эканликлари империалистларнинг ана шу райондаги паналарини барбод этди.

Совет Иттифоқи ва Болгария Халқ Республикаси Миср халқининг агрессия айбдорларини жазаолаш, Мисрда этказилган зарарларни ундириб олиш ва Миср территориясинин чет эл қўшинларидан тозадаш ҳақидаги ҳаққоний талабларини қўлаб-қувватлайди. Ҳар иккала Ҳукумат миср халқининг ўз миллий мустақилигини сақлаш ва мустақамлаш йўлидаги курашини қўлаб-қувватлаётганликларини яна бир марта таъкидлайдилар ҳамда совет ва болгар халқлари бундан бун ҳам ана шу йўлда Мисрга ҳайрихоҳ бўлиб, унга мадад кўрсатадилар, дейдилар.

Делегациялар шунин қайд қилдиларки, Мисрда қарши қилинган агрессия барбод этилганига қарамай, Яқин ва Урта Шарқ районидида аҳвол ҳали ҳам кескинлигига қолмоқда ва аҳволи янада мушкуллаштириш хавфини тугдиради. АҚШдаги раҳбар доиралар томонидан кейинги вақтларда илгари сурилган «Эйзенхауэр доктринаси» АҚШнинг Яқин ва Урта Шарқда кенг иқтисодий экспансия сийёсатини ва очилган-очиқ ҳарбий агрессия сийёсатини тизорқ амалга оширишга интилаётганлигини, миллий мустақилик йўлидаги ҳаракатни бостиришга ва бу районда Англия ва Франция каби мустақамлашчи давлатларнинг ўрнини босишга ва бу районда яшовчи халқлар бўйнига мустақамлашчилик зулми сиртмоғини ошишга уринаётганликлари исбот қилади. АҚШ ҳукуматининг ана шу талбири БМТ Уставининг принциплари ва мақсадларига ҳидофидр ҳамда Яқин ва Урта Шарқ районда тинчлик ҳамда хавфсизликка жиддий таҳдид вужудга келтиради.

Совет Иттифоқи ва Болгария Халқ Республикаси Яқин ва Урта Шарқ мамлакатлари халқларининг миллий мустақилик йўлидаги интилишларини тамомилан қўлаб-қувватлайдилар ва бу мамлакатлар билан ҳар томонлама дўстона ҳамкорликни кенгайтиришга тайёрдилар. Ҳар иккала Делегация бунда шу принципга асосланадики, бундай ҳамкорлик томонларнинг тўла тенг ҳуқуқлиги ва ана шу мамлакатларнинг давлат суверенитети ёки миллий мустақилигига зарар етказиши мумкин

бўлган ҳеч қандай шарт қўймай, ўзаро манфаатдорликка негизланганлиги керак.

Болгария Халқ Республикаси Ҳукумати СССР Иттифоқи Ҳукуматининг Яқин ва Урта Шарқда тинчлик ҳамда хавфсизлик ва бу райондаги мамлакатларнинг ички ишларига аралашмаслик масаласи юзасида АҚШ, Англия ва Франция Ҳукуматларига юборилган Декларация проектини тамомилан қўлаб-қувватлайди. Бу Декларация проекти:

жанжалли масалаларни музокаралар олиб бориш методи асосида фақат тинч восталардан фойдаланиб бартараф қилиш йўли билан Яқин ва Урта Шарқда тинчликни сақлашни,

Яқин ва Урта Шарқ мамлакатларининг ички ишларига аралашмаслигини: бу мамлакатларнинг суверенитети ва мустақилигини ҳурмат қилишни,

бу мамлакатларни буюк давлатларнинг иштироки билан ҳарбий блокларга тортиш йўлидаги ҳар қандай уришлардан воз кечишни,

Яқин ва Урта Шарқ мамлакатлари территориясидаги чет эл базаларини тутатишни ва чет эл қўшинларини ана шу территориялардан олиб чиқиб кетишни,

Яқин ва Урта Шарқ мамлакатларига қурол-яроғ етказиб беришдан ўзаро воз кечишни,

Яқин ва Урта Шарқ мамлакатларининг шаънига ва суверенитетига тўғри келмайдиган сийёсий, ҳарбий шартларни ёки бошқа ҳилдаги шартларни қўймай, бу мамлакатларнинг иқтисодий тараққийига ёрдам беришни кўзда тутати.

Болгария Халқ Республикаси Ҳукуматининг фикрича, бу Декларация проектида баён қилинган принциплар Яқин ва Урта Шарқ халқларининг манфаатларига муносибир ва бу принципларнинг амалга оширилиши ана шу райондаги кескин вазиётни бартараф қилиш учун жуда катта ижобий аҳамиятга эга бўлув эди.

Совет Иттифоқи ва Болгария Халқ Республикасининг Ҳукумат Делегациялари Венгрия воқеалари юзасидан фикр олишиб, яқинлик билан шунин изҳор қилдиларки, Венгриядаги контрреволюцион аси империалистик агрессив доиралар ва мамлакат ичкарисидаги реакцион элементлар томонидан провокация йўли билан бошланган эди. Ана шу агрессив доиралар ва реакцион элементлар помешчилар ҳамда капиталистлар ҳокиматиини тиклаш ва Венгрияни социалистик лагердаги мамлакатларга қарши агрессия қилиш учун плацдарми айлантириш мақсадида Венгриядаги халқ-демократик тузумга қарши ҳужум қилган эдилар. Империализмининг Венгриядаги кирди-корлари социалистик мамлакатларнинг бирлигига путур етказишга қаратилган эди ва бу билан ана шу мамлакатларда социализмининг муваффақиятларини суратда қуришига ҳалатик беришни кўзда тутган эди. Ҳар иккала Ҳукумат мамуният билан қайд қилдики, Венгрия меҳнаткашлари Венгрия Революцион Ишчи-Дехқон Ҳукуматининг раҳбарлиги остида, Совет Иттифоқининг ва бошқа социалистик мамлакатларнинг қардошларча ёрдами туфайли контрреволюцион кучларни тор-мор келтириш олдидан ва ўзларининг социалистик ғалабаларини қатъий туриб ҳимоя қила олдидар.

Болгария Ҳукумати СССРнинг Венгрия воқеаларида тутган позициясини тамомилан қўлаб-қувватлаганини ўз халқи номидан яна изҳор қилди. Совет Иттифоқи Венгрия Революцион Ишчи-Дехқон Ҳукуматининг илтимосига мувофиқ венгер халқига қуролан ёрдам кўрсатиб, венгер халқи олдидаги ва бошқа социалистик мамлакатлар халқлари олдидаги ўз интернационал бурчини муносиб суратда бажарди.

Ҳар иккала Делегация шунин қайд қилдики, Венгрия Революцион Ишчи-Дехқон Ҳукумати ва Венгриянинг меҳнаткаш халқи ўзининг тинч социалистик меҳнатда совет ва болгар халқлари ва уларнинг Ҳукуматларининг доимий қардошлик ёрдамига умид ботлай оладилар.

Империалистларнинг Миср ва Венгриядаги авантюралари барбод этилганига қарамай, ҳозирги ҳалқаро аҳвол ҳали ҳам кескинлигига қолмоқда. Дундаги давлатларнинг кўпчилиги халқаро кескинликни камайтиришга ва «совуқ муносабатлар уруш» оқибатларини тугатишга интилаётган бир пайтда, АҚШ-дан ва бошқа бозини давлатлардаги раҳбар доиралар халқаро вазиётни кескинлаштиришга, уруш ваҳимасини авж олдиришга қаратилган сийёсатни ўтказиб келмоқдалар. Агрессив Шимолий Атлантик Иттифоқи фаолиятининг кучайтирилганлиги, Гурбий Германиянинг реинтеграция қилинаётганлиги, эфр бериб қурулган ва ҳарбий бюджетларнинг кўпайтирилганлиги, «Эйзенхауэр доктринаси», НАТО сессиясининг Гурбий

Германияни атом қуроли билан қурулантириш ҳақидаги қарори ва шу снгари бошқа фактлар бунин очик кўрсатади. Буларнинг ҳаммаси тинчликсевар халқларни жиддий суратда ташвишга соймай қололмайди. Шу билан бирга ҳар иккала Ҳукумат кейинги вақтларда бошқа агрессив регионал пактларининг, шу жумладан Багдод пактининг ҳам фаолиятини кучайтириш ва активлаштириш йўлида қилинаётган уришлар халқаро кескинлигини юмшатиш ва давлатлар ўртасидаги муносабатларини яхшилаш ишига ёрдам бермайди деб ҳисоблайди.

Совет Иттифоқи ва Болгария Халқ Республикаси Ҳукуматлари Американинг махсус вазибаларни бажариш учун тайинланган атом аскарий қисмларини бошқа давлатлар территориясида жойлаштириш планларига қатъий суратда қарши чиқадилар ва бу планларни атом урушига очилган-очиқ таъйираниш, деб ҳисоблайдилар. Ҳар иккала Ҳукумат шунин қайд қилдиларки, ана шу планларни амалга ошириш ордасида рўй бериш эҳтимол бўлган оқибатлар учун жавобгарлик АҚШ ҳукумати зиммасигагина эмас, балки атом урушига таъйирлар кўриш учун плацдарми сифатида ўз давлатлари территорияларидан фойдаланишга розилик билдирадиган ва бу билан ана шу мамлакатларнинг халқларини ўлим хавфи остида қолдирадиган Ҳукуматлар зиммасига ҳам юкланади.

Совет Иттифоқи ва Болгария Халқ Республикаси Варшава Шартномасига ва бу Шартнома қатнашчилари тинчликни ҳамда хавфсизликни сақлаш манфаатларини қўлаб қабул қилган мажбуриятларга солиқ эканлигини ҳозирги шароитда яна бир марта таъкидлаб ўтишни зарур деб ҳисоблайдилар. Шу билан бирга Совет Иттифоқи ва Болгария Халқ Республикаси яна шунин қайд қилдиларки, агрессив Шимолий Атлантик ҳарбий пактининг мажбуриятлар Варшава мулофаа ҳарбий иттифоқининг тузилишига сабаб бўлган эди. Ҳар иккала Ҳукумат аввалдагидек ҳозирда ҳам ҳисоблайдиларки, Европада ҳарбий гуруҳларнинг тутатилиши ва улар ўрнига Умум Европа коллектив хавфсизлик системасининг вужудга келтирилиши ҳарбий туқинишлар хавфини йўқотган бўлув эди ва узоқ давом этадиган тинчлик ўрнатиш учун мустақам шарт-шароит вужудга келтирган бўлув эди. Совет Иттифоқи ва Болгария Халқ Республикаси Европада коллектив хавфсизлик системасини вужудга келтиришга қаратилган амалий тадбирларини давом эттирадилар. Ҳар иккала Тошон қурол-яроғларни ва қурулган кучларни ёпасига анча миқдорда камайтиришга эришиш, атом ва водород қурулларини тақийлаш ҳамда бу қурулларини синаб кўришни тўхтатиш соҳасидаги ишларни давом эттиришни ўз бурчи деб ҳисоблайди. Шу муносабат билан Болгария Халқ Республикаси Ҳукумат Делегацияси Совет Иттифоқининг 1956 йил 17 ноябрдаги тақлифларини тамомилан қўлаб-қувватлаётганлигини билдиради. Бу тақлифлар қуролсизлашнинг проблемасини бопи берк қўлаб олиб кишиш учун ва, нисҳоят, ҳозирги вақтда ҳарбий харajatларнинг бутун оғирлиги юклатилган халқларнинг манфаатларини қўлаб, бу проблемани ҳал этиш учун реал имкониятларни вужудга келтиради.

Совет Иттифоқи ва Болгария Халқ Республикаси Ҳукуматлари барча мамлакатлар билан, улардаги сийёсий ва социал тузумнинг қандай бўлишидан қатъи назар, нормал дўстона муносабатлар ўрнатиш, давлат алоқалари, иқтисодий ва маданий алоқаларни ривожлантиришга бундан бун ҳам бутун кучлари билан ҳаракат қилишга ва тинч-тотув яшашдан иборат буюк принципларни амалга ошириш ва ер юзиде узоқ давом этадиган мустақам тинчлик ўрнатиш йўлида ҳаракат қилишга қатъий қарор берганликларини билдирадилар. Ҳар иккала Ҳукумат ҳозирги вақтда халқаро кескинлигини юмшатиш ва халқаро вазиётни соғломлаштириш учун реал имкониятлар бор эканлигига қатъиян ишонганини билдиради.

Совет Иттифоқи ва Болгария Халқ Республикаси Болқон ярим оролидаги барча давлатлар ўртасидаги муносабатларнинг дўстона яхши қўшничилик характерида бўлишини ва бу муносабатларнинг барча жанжалли масалаларни тинч йўл билан ҳал этишга, ҳар томонлама алоқаларни кенгайтиришга, ўзаро ишончга асосланган манфаатдорликлар. Шу билан Болгария Делегацияси Болгария Халқ Республикаси Болқон давлатларидан бирортасига ҳам қарши ҳеч қандай агрессив ниятда бўлмаганлигини ва бундай агрессив ниятлари йўқ эканлигини билдиради. Болгар халқи ўз мамлакатда тинч меҳнат билан бандир, ва тинчликни ҳамда барча мамлакатлар билан ва биринчи навбатда ўз қўшнилари билан яхши муносабатда бўлишни ўзи учун қатъий зарурат деб ҳисоблайди.

(ОХИРИ ИККИНЧИ БЕТДА)



Кремлада Ўзбекистон ва Тожикистоннинг Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари шарафига қабул маросими. Партия ва Ҳукумат раҳбарлари Тошкент областининг Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари орасида.

